

**“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти Бошқаруви  
раиси Б.К.Зариповнинг Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги  
цемент заводи очилиш маросимидаги нутқи**

Ассалому алайкум, ҳурматли хонимлар ва жаноблар,  
қурувчилар ва саноат ходимлари, азиз меҳмонлар.

Авваломбор барчангизни кириб келаётган Қурбон ҳайити  
ҳамда Ватанимиз Мустақиллигининг 27 йиллик байрамлари  
билан табриклайман.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев  
томонидан, республикамиз иқтисодиётининг бошқа соҳалари  
қатори, саноатнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш  
тармоғига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани жадал  
ривожлантириш мақсадида, ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб  
келинмоқда.

Сўнги 2 йилдаги ўзгаришларга тўхталиб ўтадиган бўлсам,  
2017 йилга қадар тармоқда 8 мингта корхона фаолият юритган  
бўлса, бугунги кунда республикамизда уларнинг сони  
10,5 мингтага етди.

Республикамизда 120 турдаги қурилиш материаллари  
ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 180 дан зиёд турдаги  
қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Биргина 2017 йилда республикада қарийб 17 трлн.  
сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди,  
ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 123 фоизга ошди.  
Жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 12 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда республикамизда 14 та цемент ишлаб  
чиқарувчи корхоналар томонидан йилига 9,1 млн. тонна  
маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Юртимизда қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳажмининг  
кескин ошганлиги, цементга бўлган талабнинг ҳам кўпайишига  
олиб келди.

Мавжуд талабни қондириш бўйича бугунги кунда янги  
қувватларни ишга тушириш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йил якунига қадар, йиллик қуввати 3 млн. тоннадан зиёд бўлган 8 та, 2019 йилда йиллик қуввати 5 млн. тонна бўлган 9 та лойиҳа амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 10 октябрдаги ПҚ-2628-сонли “Сурхондарё вилояти Шеробод туманида цемент заводи қурилиши инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан завод қурилишининг барча кўрсаткичлари белгилаб берилди.

Мазкур қарорга кўра, Туркиянинг “Дал техник макина ве тижарат санайи” фирмаси мутахассисларига заводнинг технологик қисмини қуриш топширилди.

Мазкур лойиҳа “Олмалиқ кон металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан муваффақиятли амалга оширилган иккинчи завод бўлиб, ушбу жамият томонидан дастлаб Жиззах вилояти Зафаробод туманида қурилган корхона модернизация қилиниб, йилига 350 минг тонна оқ цемент ва 760 минг тонна портландцемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жиззахда ишга туширилган корхона Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ичида, оқлиги 85 бирликдан кам бўлмаган ва мустаҳкамлиги 500 килограм/сантиметр квадрат маркадаги, юқори сифатли цемент ишлаб чиқаришга эришилган биринчи муваффақиятли лойиҳадир.

Шеробод туманида ишга туширилаётган лойиҳа бўйича *(жами 212,8 млн. доллар ўзлаштирилиши натижасида)* йилига 1 млн. 500 минг тонна юқори сифатли портландцемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда ҳамда 1200 та янги иш ўрни яратилади.

Мазкур лойиҳанинг катта ютуқларидан бири, республикамиздаги энг йирик, яъни 708 миллион тонна цемент хом-ашёси, шу жумладан 530 млн. тонна оҳактош ва 178 млн. тонна тупроқ (глина) мавжуд конларнинг Шеробод туманида жойлашганлигидир.

Шунингдек, Сурхондарё вилоятининг географик жойлашуви нафақат республикамизда, балки кўшни Афғонистон Республикасида ҳам кенг кўламда амалга оширилаётган қурилиш

бунёдкорлик ишлари учун зарур бўлган цемент маҳсулотининг нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорини топиш имкониятини беради.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур лойиҳанинг ишга туширилиши, давлатимиз раҳбари томонидан жадаллик билан муваффақиятли амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг соҳадаги дастлабки натижаларидан бири дейиш мумкин.

Сўнги икки йил давомида иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган самарали механизмлар ва кўрилаётган аниқ чора-тадбирлар натижасида, нафақат Сурхондарё вилоятида, балки республикамизнинг барча ҳудудларида бу каби замонавий лойиҳалар кетма-кет ишга тушишига гувоҳ бўламиз.

Бугунги қувончли воқеанинг эътиборли жиҳатлари шундаки, ушбу замонавий саноат ишлаб чиқариш корхонасининг қисқа муддатда фойдаланишга топширилиши натижасида, 1200 нафар фуқароларимиз ўз иш жойига эга бўлиши баробарида, Шеробод тумани, Сурхондарё вилояти, балки республикамиз буюджетига тушумлар миқдори салмоқли равишда ошади. Ҳудуднинг экспорт салоҳияти кенгайиб, цемент маҳсулотининг импорти миқдори кескин камайишига имконият яратади. Шунингдек, республикада цементнинг нархи арзонлашиши ва барқарорлашишига омил бўлади.

Ушбу янги корхонада ишлаб чиқарилган асосий қурилиш материали бўлган цемент маҳсулоти, биринчи навбатда Шеробод тумани, Сурхондарё вилояти ва республикамиз ҳамда қўшни давлатларда бунёд этиладиган замонавий ижтимоий соҳа объектлари, нотурар жойлар ҳамда аҳоли учун шинам ва қулай турар жойларнинг қисқа муддатларда ҳамда сифатли қурилишига хизмат қилади.

*Эътиборингиз учун раҳмат.*